

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БАНК-МОЛИЯ АКАДЕМИЯСИ ВА
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.1.15.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

АТАНИЯЗОВ ЖАСУРБЕК ХАМИДОВИЧ

**ЎЗБЕКИСТОНДА МОЛИЯ-САНОАТ ГУРУҲЛАРИНИ
ШАКЛЛАНТИРИШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ МЕТОДОЛОГИК
АСОСЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит

**ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2018

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации

Content of the Doctoral (DSc) Dissertation Abstract

Атаниязов Жасурбек Хамидович

Ўзбекистонда молия-саноат гуруҳларини шакллантириш ва
ривожлантиришнинг методологик асосларини такомиллаштириш..... 3

Атаниязов Жасурбек Хамидович

Совершенствование методологических основ формирования и
развития финансово-промышленных групп в Узбекистане..... 33

Ataniyazov Jasurbek Xamidovich

Improving methodological bases of formation and development of
financial-industrial groups in Uzbekistan..... 63

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 68

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БАНК-МОЛИЯ АКАДЕМИЯСИ ВА
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.1.15.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

АТАНИЯЗОВ ЖАСУРБЕК ХАМИДОВИЧ

**ЎЗБЕКИСТОНДА МОЛИЯ-САНОАТ ГУРУҲЛАРИНИ
ШАКЛЛАНТИРИШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ МЕТОДОЛОГИК
АСОСЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит

**ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2018

Фан доктори (Doctor of Science) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.2.DSc/Iqt81 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация иши Тошкент молия институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.bfa.uz) ва «Ziynet» Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Жумаев Нодир Хосиятович
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Иминов Одилжон Каримович
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Мустафакулов Шерзод Игамбердиевич
иқтисодиёт фанлари доктори, доцент

Исмаилов Алишер Агзамович
иқтисодиёт фанлари доктори

Етакчи ташкилот:

Корпоратив бошқарув илмий-таълим маркази

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси ва Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.I.15.01. рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «___»_____ соат___даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Мовароуннаҳр кўчаси, 16-уй. Тел.: (99871) 237-53-25, факс: (99871) 237-54-01, e-mail: info@bfa.uz

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академиясининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100000, Мовароуннаҳр кўчаси, 16-уй. Тел.: (99871) 237-53-25, факс: (99871) 237-54-01, e-mail: info@bfa.uz.

Диссертация автореферати 2018 йил «___»_____куни тарқатилди.
(2018 йил «___»_____даги _____ рақамли реестр баённомаси).

А.Ш. Бекмуратов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

У.В. Гафуров

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш котиби, иқтисодиёт фанлари доктори, доцент

Н.М. Махмудов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (Докторлик диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон амалиётининг кўрсатишича, миллий иқтисодиётда ишлаб чиқариш салоҳиятини ошириш ва унинг барқарорлигини таъминлаш мақсадида интеграциялашган корпоратив тузилмаларнинг бир тури бўлган молия-саноат гуруҳларининг ташкил этилиши муҳим ўрин тутмоқда. Замонавий молия-саноат тузилмалари, шубҳасиз, мамлакатда ва жаҳонда йирик иқтисодий ҳамда молиявий институтларга айланиши мумкин. Уларнинг миллий ва жаҳон иқтисодиётига қўшаётган ҳиссаси янги иқтисодий ҳудуднинг ташкил топишида, саноат ишлаб чиқариши ва молия бозорлари ривожланишида муҳим аҳамиятга эга. Европа комиссияси ва United Nations Conference on Trade and Development (БМТнинг савдо ва тараққиёт конференцияси) маълумотларига кўра халқаро савдонинг қарийб ярми йирик интеграциялашган тузилмалар ҳиссасига тўғри келади. Йирик молия-саноат гуруҳларининг йиллик айланмаси дунёнинг кўплаб мамлакатлари ялпи миллий маҳсулоти ҳажмидан ошиб кетади. Шунингдек, ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлардаги саноат ишлаб чиқаришининг ва иш билан банд бўлган аҳолининг асосий қисми айнан мазкур тузилмалар ҳиссасига тўғри келади¹.

Жаҳон амалиётида банклар маблағларининг катта қисми юқори технологияли ва илмий сиғимли ишлаб чиқаришларни ташкил этиш, экспортга мўлжалланган саноат тармоқларини ривожлантиришга йўналтирилади, бу эса, ўз навбатида саноат тармоқларида янги лойиҳаларни амалга оширишга ҳамда иқтисодиётнинг инновацион салоҳиятини ва рақобатбардошлигини оширишга хизмат қилади. Шунингдек, миллий иқтисодиётда ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва узлуксизлигини таъминлаш, барқарор иқтисодий тараққиётни қўллаб-қувватлаш учун молиявий институтлар ҳамда ишлаб чиқариш корхоналари ўртасида мустаҳкам алоқаларнинг ўрнатилиши натижасида юзага келувчи мукамал интеграциялашган тизимларни шакллантириш мақсадга мувофиқ. Чунки жаҳон иқтисодиёти глобаллашуви шароитида миллий иқтисодиётда фаолият юритаётган субъектларнинг юқори даражадаги рақобатбардошлигини таъминлаш лозим. Бунинг учун молия ва саноат капитали интеграциясини кучайтириш, юқори интеграциялашган корпоратив тузилмаларни шакллантириш ҳамда корпоратив бошқарув тизимининг самарадорлигини ошириш зарур.

Мамлакатимизда банклар инвестицион фаоллигини ошириш, саноат ишлаб чиқаришини ривожлантириш, тижорат банклари ва саноат корхоналарининг ўзаро интеграциясини кучайтириш, иқтисодиётнинг реал секторига йўналтирилган инвестицияларни кўпайтириш ва шу асосда иқтисодиётнинг тармоқ ҳамда соҳаларини таркибий жиҳатдан ўзгартириш, корхоналарни замонавий техника ва технологиялар билан қуроллантиришга

¹ European Commission. (2016). Innovation Policy. Retrieved from: <http://ec.europa.eu>.; <http://unctad.org>.

йўналтирилган иқтисодий ислоҳотлар изчиллик билан амалга оширилмоқда. Бу каби муҳим чора-тадбирлар натижасида 2016 йилда тижорат банклари томонидан иқтисодиёт реал секторига йўналтирилган кредитлар ҳажми 2007 йилга нисбатан 11 баробарга, инвестицион кредитлар ҳажми 10 баробарга, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми эса 6 баробарга ошди. Ўзбекистон Республикасини 2017-2021 йилларда ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «юқори технологияли қайта ишлаш тармоқларини, энг аввало, маҳаллий хомашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш асосида юқори қўшимча қийматли тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни жадал ривожлантиришга қаратилган сифат жиҳатидан янги босқичга ўтказиш орқали саноатни янада модернизация ва диверсификация қилиш»² муҳим йўналишлардан бири сифатида белгилаб берилди. Мазкур вазифаларнинг самарали бажарилиши, хусусан, корхоналарни замонавий техника ва технологиялар билан қуроллантириш, юқори илмий сиғимли ишлаб чиқаришларни ривожлантириш катта ҳажмдаги инвестицияларни талаб қилади ва ушбу масалаларни ижобий ҳал қилиш мақсадида молия-саноат гуруҳларини шакллантириш лозим. Молия-саноат гуруҳларида молия капитали билан саноат капиталининг бирлашиши нафақат инвестиция жараёнларининг фаоллашишига, балки иқтисодиёт рақобатбардошлигини оширишга самарали таъсир кўрсатади. Юқоридаги вазифаларнинг ижроси Ўзбекистонда молия-саноат гуруҳларини шакллантириш ва ривожлантиришнинг илмий-услубий асосларини такомиллаштиришни тақозо этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», 2017 йил 20 апрелдаги ПФ-5022-сонли «Иқтисодий ночор корхоналарни қўллаб-қувватлаш механизмларини янада кенгайтириш ҳамда тижорат банкларининг кўчмас мулк объектлари негизида янги ишлаб чиқариш қувватларини ташкил этишни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2015 йил 4 мартдаги ПФ-4707-сонли «2015-2019 йилларда ишлаб чиқаришни таркибий ўзгартириш, модернизациялаш ва диверсификация қилишни таъминлаш чора-тадбирлари дастури тўғрисида»ги фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 6 апрелдаги ПҚ-1317-сонли «Банк тизимининг молиявий барқарорлигини янада ошириш ва унинг инвестициявий фаоллигини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ҳамда саноат ишлаб чиқаришини ривожлантиришда тижорат банкларининг иштирокини кучайтириш, банклар ва саноат корхоналари интеграциясини таъминлашга қаратилган бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик ва

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони. ПФ-4947-сон, 2017 йил 7 февраль. – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 2017 й., 6-сон, 70-модда.

ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ равишда ИТД-2 – «Демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш, фуқаролик жамиятини шакллантириш, миллий иқтисодий модернизациялаш ва эркинлаштиришнинг илмий асосларини ишлаб чиқиш» лойиҳаси доирасида бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи³. Молия ва саноат капитали интеграциясини кучайтириш орқали молия-саноат гуруҳларини ташкил этиш, юқори интеграциялашган корпоратив тузилмалар фаолияти барқарорлигини ошириш бўйича илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, шу жумладан, Erasmus University Rotterdam, University of Amsterdam (Голландия), Brigham Young University, World bank (АҚШ), Korea Economic research institute (Корея), Dalian Maritime University, Xiamen University (Хитой), University of Hamburg (Германия), Kobe University, Institute of Developing Economies Japan External Trade Organization (Япония), Центральный экономико-математический институт Российской академии наук, Ассоциация финансово-промышленных групп России (Россия) томонидан амалга оширилмоқда.

Иқтисодий молия-саноат гуруҳларини шакллантириш ва улар фаолиятини ривожлантиришга қаратилган жаҳонда олиб борилган тадқиқотлар натижасида қатор, жумладан, куйидаги илмий натижалар олинган: молия-саноат гуруҳларини шакллантириш орқали миллий иқтисодий барқарорлигини ошириш мумкинлиги асосланган (Erasmus University, Голландия); интеграциялашган тузилмаларда корпоратив бошқарувни ташкил этиш ва самарадорлигини ошириш йўллари асосланган (Brigham Young University, АҚШ); иқтисодий ривожлантиришда молия ва саноат капитали интеграциясини таъминлаш орқали интеграциялашган корпоратив тузилмаларни шакллантириш мақсадга мувофиқлиги асослаб берилган (Korea Economic research institute, Корея); иқтисодий учун молия ва саноат капитали интеграциясининг самарали усуллари асосланган (Xiamen University, Хитой); банкларнинг молия-саноат гуруҳи таркибида иштирок этиши натижасида инвестицион фаоллигининг ошиши, фаолиятининг диверсификациялашуви ва молиявий рискларни самарали бошқариш имконига эга бўлиши асосланган (University of Hamburg, Германия); банк тизими ва саноат тармоқлари молиявий барқарорлигини ошириш ҳамда саноат корхоналарини техник ва технологик жиҳатдан янгилаш мақсадида молия-саноат гуруҳларини шакллантириш, замонавий юқори интеграциялашган корпоратив тузилмаларни яратишнинг зарурлиги асосланган (Kobe University, Япония); молия-саноат интеграциясини таъминлаш орқали саноат тармоқларида ишлаб чиқаришнинг барқарорлигига эришиш ҳамда банкларнинг инвестицион салоҳиятини ошириш, шунингдек,

³ Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи – <https://www.eur.nl>; <https://www.uva.nl>; <https://www.byu.edu>; <https://www.worldbank.org>; <http://www.keri.org>; <http://www.iec.dlmu.edu.cn>; <https://en.xmu.edu.cn>; <https://www.uni-hamburg.de>; <https://www.cemi.rssi.ru>; <https://tpprf.ru>; <https://www.kobe-u.ac.jp>; <https://www.ide.go.jp>.

молия-саноат гуруҳларини ривожлантиришнинг стратегик йўналишлари асослаб берилган (Центральный экономико-математический институт Российской академии наук, Россия).

Жаҳонда молия-саноат гуруҳларини шакллантириш ва улар фаолиятини ривожлантиришнинг илмий-назарий, услубий ва амалий асосларини такомиллаштириш бўйича қатор, жумладан, куйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: молия ва саноат капитали интеграциясини таъминлаш асосида юқори интеграциялашган тузилмаларни шакллантириш орқали иқтисодиёт барқарорлигини ва халқаро рақобатбардошлигини ошириш; молия-саноат гуруҳларининг инвестицион механизмини такомиллаштириш; молия-саноат гуруҳларини ташкил этиш орқали банк тизими ликвидлигини таъминлаш ва ишлаб чиқариш тармоқларида инновацион салоҳиятни ошириш; молия-саноат гуруҳларини шакллантириш ҳисобидан корпоратив бошқарув самарадорлигини ошириш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Молия-саноат гуруҳларини шакллантириш ва улар фаолиятини ривожлантириш масалалари хорижлик иқтисодчи олимлар Р.Брейли, С.Майерс, М.А.Эскиндаров, Э.А.Уткин, Т.И.Минина, Г.Л.Макарова, А.Е.Дворецкая, А.Г.Мовсесян, Б.М.Смитиенко, В.А.Цветков, И.Ю.Беляева, В.В.Яронтовский, А.С.Кудаков, Е.В.Ленский ва Masahiko Aoki, John Dunning, Jerzy Grabowiecki ва бошқалар томонидан тадқиқ қилинган⁴.

Хорижий давлатларда молия-саноат гуруҳлари ҳамда интеграциялашган корпоратив тузилмаларни ташкил этиш моделлари ва улар фаолиятининг айрим жиҳатлари мамлакатимиз иқтисодчи олимларидан: А.Бекмурадов, А.Вахабов, Н.Хайдаров, М.Хамидулин, Н.Жумаев, Ф.Мирзаев, Ф.Додиев ва О.Сабиловлар илмий изланишларида ўз ифодасини топган⁵. Масалан,

⁴ Брейли Р., Майерс С. Принципы корпоративных финансов (пер. с англ.). – М.: Олимп-Бизнес, 1997. – 1120 с.; Мовсесян А.Г., Смитиенко Б.М. Финансово-промышленные группы: зарубежный опыт и реалии России. – М., 1996. – 152 с.; Ленский Е.В., Цветков В.А. Финансово-промышленные группы: история создания, международный опыт, российская модель. – М.: АФПИ еженедельника «Экономика и жизнь», 1997. – 192 с.; Уткин Э.А., Эскиндаров М.А. Финансово-промышленные группы. – М.: «ГАНДЕМ», 1998. – 256 с.; Яронтовский В.В. Банки в интегрированных холдинговых структурах: автореф. дис...канд. эконом. наук. – Санкт-Петербург, 2009. – 24 с.; Минина Т.И. Роль банков в формировании и развитии ФПГ России: автореф. дис...канд. эконом. наук. – Москва, 2001. – 21 с.; Кудаков А.С. Особенности формирования финансово-промышленных корпоративных структур и их влияние на экономику страны // Проблемы современной экономики. – Москва, 2007.-№3 (23). – С. 39.; Беляева И.Ю., Эскиндаров М.А. Финансово-промышленные группы в современной экономике. – М., 2004. – 216 с.; Макарова Г.Л. Организация финансово-промышленных групп. – М.: Финстатинформ, 1998. – 157 с.; Дворецкая А.Е., Никольский Ю.Б. Финансово-промышленные группы: менеджмент и финансы. – М.: Принтлайн, 2002. – 302 с.; М.Аoki. Information, Incentives and Bargaining in the Japanese Economy. Cambridge University Press, 1988. – 320 p.; Dunning J. Multinational Enterprises and the Global Economy. Northampton: Edward Elgar Publishing, 2008. – 920 p.; Jerzy Grabowiecki. Keiretsu groups: Their role in the Japanese Economy and a Reference Point for other countries. Institute of developing economies, Japan external trade organization. V.R.F., series. №413. 2006. – 85 p.

⁵ Бекмурадов А.Ш. Глобальные тренды на мировых финансовых рынках и проблемы привлечения технологических инвестиций для реализации промышленной политики Узбекистана // Молия ва банк иши (илмий электрон журнал). – Тошкент, 2016. – №2. – 5-10-б.; Вахабов А.В. Модели развития финансово-промышленных групп в мировой экономике и возможности его использования в Узбекистане // Международный опыт создания финансово-промышленных групп и проблемы совершенствования корпоративного управления в Узбекистане: материалы международной научно-практической конференции. – Москва: МГЭИ, 2008. – С. 15-25; Вахабов А.В., Хажикакиев Ш.Х., Муминов Н.Г. Хорижий инвестициялар. – Т.: «Молия», 2010. – Б. 139-147; Хамидулин М.Б. Развитие финансового механизма

Ф.Мирзаевнинг докторлик диссертациясида молия-саноат гуруҳларининг банк хизматлари бозоридаги рақобатни шакллантиришдаги ўрни ва таъсирини кучайтириш масалалари тадқиқ этилган. Ф.Додиевнинг илмий ишлари тижорат банклари иштирокида молия-саноат гуруҳларини ташкил этиш масалаларига бағишланган. М.Хамидулиннинг докторлик диссертациясида молия-саноат гуруҳларида корпоратив бошқарувнинг молиявий механизми борасида мулоҳазалар юритилган.

Республикаимиз олимлари томонидан Ўзбекистонда молия-саноат гуруҳларини шакллантириш ва ривожлантиришнинг методологик асослари билан боғлиқ тадқиқотлар етарли даражада эмаслиги мазкур мавзуда чуқур илмий-услубий изланишларни амалга оширишни тақозо этади.

Диссертация тадқиқотининг олий таълим муассасаси илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент молия институтининг «Иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида молия, банк ва ҳисоб тизимини мувофиқлаштиришнинг илмий асослари» мавзусидаги илмий-тадқиқот йўналиши доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Ўзбекистонда молия-саноат гуруҳларини шакллантириш ва ривожлантиришнинг методологик асосларини такомиллаштириш юзасидан илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари. Диссертациянинг мақсадидан келиб чиқиб, қуйидаги вазифалар белгиланган:

молия-саноат гуруҳларини шакллантиришнинг назарий-концептуал асосларини тадқиқ қилиш;

Ўзбекистонда молия-саноат гуруҳларини шакллантиришнинг иқтисодий-молиявий шарт-шароитларини аниқлаш;

хорижий мамлакатлар молия-саноат гуруҳлари ривожланишини қиёсий таҳлил қилиш;

молия-саноат гуруҳларини шакллантириш бўйича хориж тажрибасини мамлакатимиз иқтисодиётида қўллаш имкониятлари юзасидан амалий таклифлар ишлаб чиқиш;

молия-саноат гуруҳларини шакллантиришнинг тижорат банклари инвестицион фаоллигини оширишдаги ўрнига баҳо бериш;

корпоративного управления: автореф. дис...докт. эконом. наук. – Ташкент, 2008. – 38 с.; Жумаев Н.Х., Хошимов Э.А. Молия – саноат гуруҳларининг валюта бозори ривожланишига таъсири // Международный опыт создания финансово-промышленных групп и проблемы совершенствования корпоративного управления в Узбекистане: материалы международной научно-практической конференции. – Москва: МГЭИ, 2008. – С. 137-139; Мирзаев Ф.И. Банклараро рақобат: моҳияти, шаклланиши ва ривожланиш босқичлари. – Т.: «Молия», 2008. – Б. 193-205; Додиев Ф.Ў. Ўзбекистонда молия-саноат гуруҳларини ташкил этишдаги айрим муаммолар // Международный опыт создания финансово-промышленных групп и проблемы совершенствования корпоративного управления в Узбекистане: материалы международной научно-практической конференции. – Москва, МГЭИ, 2008. – С. 103-105; Сабиров О.Ш. Место коммерческих банков в развитии ФПГ в Узбекистане // Международный опыт создания финансово-промышленных групп и проблемы совершенствования корпоративного управления в Узбекистане: материалы международной научно-практической конференции. – Москва, МГЭИ, 2008. – С. 139-142.

Ўзбекистонда молия-саноат гуруҳларини ташкил этиш хусусиятларини аниқлаш ва истиқболларини белгилашга қаратилган таклифлар ишлаб чиқиш;

саноат тармоқларида ҳудудий интеграциялашган тузилмаларни шакллантириш имкониятларини баҳолаш ва унинг истиқболли йўналишларини аниқлаш;

республикада молия-саноат гуруҳларини шакллантириш бўйича илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти молия-саноат гуруҳларининг ташкилий-институционал тузилмаси ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети молия-саноат гуруҳларини шакллантириш жараёнида вужудга келадиган иқтисодий муносабатлар тизимидан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда гуруҳлаш, абстракциялаш, қиёсий таҳлил, таркибий таҳлил, иқтисодий-математик моделлаштириш ва илмий прогнозлаш усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

банклар ва саноат корхоналари капитали интеграциясини кучайтиришда тижорат банкларининг капиталлашув даражасини, корхоналар устав капиталига ҳамда иқтисодий ночор корхоналарга йўналтириладиган инвестициялари ҳажмини ошириш орқали шубҳа корхоналарни ташкил этиш, истиқболда улар иштирокида молия-саноат гуруҳини шакллантиришда илғор хориж тажрибаларидан фойдаланишнинг мақсадга мувофиқлиги асосланган;

молия ва саноат капитали интеграциясини кучайтириш натижасида саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳамда молиявий хизматларни кўрсатиш ҳажмининг ўсиши ҳисобига ЯИМ ҳажмининг қўшимча ошиши прогнози ишлаб чиқилган;

ишлаб чиқаришнинг технологик даври ўзаро яқин бўлган саноат, хизмат кўрсатиш корхоналари иштирокида вертикал интеграциялашган тузилмаларни шакллантириш иқтисодий жиҳатдан самарали эканлиги аниқланган;

ҳудудларнинг саноат ишлаб чиқаришига ихтисослашуви асосида жойлашуви бир-бирига яқин корхоналар иштирокида вертикал интеграциялашган тузилмаларнинг кластер шаклини ташкил этиш тавсия этилган ҳамда саноат кластерида хўжалик юритувчи субъектлар ўзаро муносабатининг ташкилий-иқтисодий тузилмаси ишлаб чиқилган;

ҳудудларда интеграциялашган молия-саноат тузилмаларини шакллантириш лойиҳаларини бенчмаркинг технологияларини қўллаш орқали молиявий таъминлашнинг «йўл харитаси» тавсия этилган;

миллий иқтисодиётда халқаро рақобатбардош молия-саноат тузилмаларини ташкил этиш ҳамда ривожлантириш борасидаги илмий-назарий қарашлар бўйича мустақил муаллифлик ёндашуви ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

молия-саноат гуруҳларини шакллантириш жараёнининг асосий босқичлари ва унда банк фаол иштирок этишининг шарт-шароитлари аниқланган;

бошқарувчи компания ва интеграциялашган тузилма таркибига кирувчи ташкилотлар ўртасидаги молиявий муносабатларни самарали ташкил этиш механизми, молия-саноат гуруҳларини шакллантиришнинг шартли ташкилий тузилмаси ишлаб чиқилган;

етақчи тижорат банклари ташаббускорлиги ва иштирокида уларнинг саноат тармоқларидаги мижозлари билан молия-саноат гуруҳларини шакллантиришнинг мақсадга мувофиқлиги асослаб берилган ҳамда имкониятлари баҳоланган;

хорижий мамлакатларнинг молия-саноат гуруҳларини шакллантириш борасидаги илғор тажрибаларига асосланган ҳолда мамлакатимизда интеграциялашган корпоратив тузилмаларни ташкил этиш йўллари ишлаб чиқилган;

саноатни кластерлаштиришнинг шарт-шароитлари ва истиқболли йўналишларини аниқлашга асосланган ўзаро боғлиқ босқичларни қамраб олган саноат кластерларини шакллантириш услубиёти ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги уларни иқтисодчи олимларнинг молия-саноат гуруҳларини шакллантириш хусусидаги илмий-назарий қарашларини қиёсий ва танқидий таҳлил қилиш, илғор хориж тажрибасини ўрганиш ва умумлаштириш, маълумотлар базасининг расмий манбалардан олинганлиги, хусусан, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг маълумотлари, шунингдек, бошқа амалий маълумотлар таҳлиliga асосланганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти молия-саноат гуруҳларини шакллантириш юзасидан илғор хорижий тажрибалар қиёсий таҳлил этилиб, умумлаштирилганлиги ва мамлакатимизда молия-саноат гуруҳларини шакллантиришнинг зарурий молиявий-иқтисодий шарт-шароитларини яратишга қаратилган илмий хулоса, амалий тавсиялардан истиқболда молия-саноат гуруҳларини шакллантиришнинг фундаментал ва амалий жиҳатларини махсус, чуқур таҳлил этишга бағишланган илмий тадқиқот ишларида фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти, тадқиқот жараёнида молия ва саноат капитали интеграциясини кучайтириш орқали молия-саноат гуруҳларини шакллантириш бўйича ишлаб чиқилган таклифлардан банкларнинг инвестицион фаоллигини ошириш, мазкур хўжалик юритиш тизимини ташкил этишнинг меъёрий-ҳуқуқий асосларини яратиш ва иқтисодиётимизда молия-саноат гуруҳларини шакллантиришга қаратилган чора-тадбирлар тизимини ишлаб чиқишга хизмат қилиши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзбекистонда молия-саноат гуруҳларини шакллантириш ва ривожлантиришнинг методологик асосларини такомиллаштириш бўйича ишлаб чиқилган таклифлар асосида:

банклар ва саноат корхоналари капитали интеграциясини кучайтиришда банклар томонидан корхоналар устав капиталига йўналтириладиган

инвестицияларни ошириш таклифи («Ўзсаноатқурилишбанк» АТБнинг 2016 йил 15 июндаги 09-1-01-14/5603-сонли маълумотномаси). Мазкур таклифнинг амалиётга татбиқи натижасида корхоналарнинг устав капиталига йўналтирилган жами қўйилмалар ҳажми 2015 йилда 2014 йилга нисбатан 1,6 фоизга ёки 239 млн. сўмга, мазкур фаолиятдан олинган даромад эса 344 млн. сўмга ошган;

тижорат банклари иштирокида молия-саноат гуруҳлари ташкил этилишини инобатга олган ҳолда, уларнинг капиталлашув даражасини ошириш ҳамда инвестиция фаолиятини янада кенгайтириш таклифлари («Ўзсаноатқурилишбанк» АТБнинг 2016 йил 15 июндаги 09-1-01-14/5603-сонли маълумотномаси). Ушбу таклифларнинг амалиётга татбиқи натижасида 2015 йилда 2014 йилга нисбатан «Ўзсаноатқурилишбанк»нинг капиталлашув даражаси 19,4 фоизга, инвестицион портфель ҳажми эса 6,9 фоизга ошган. Инвестицион портфель бўйича даромад эса 17,8 фоизга ёки 552,5 млн. сўмга ортган;

молия-саноат гуруҳларини шакллантиришнинг «Германия» моделидан фойдаланиш асосида банк томонидан иқтисодий ночор корхоналарга инвестициялар киритиш орқали шуъба корхоналарни ташкил этиш ва истиқболда мазкур корхоналар иштирокида молия-саноат гуруҳини шакллантириш таклифи («Ўзсаноатқурилишбанк» АТБнинг 2016 йил 15 июндаги 09-1-01-14/5603-сонли маълумотномаси). Ушбу таклифнинг амалиётга татбиқи натижасида банк томонидан иқтисодий ночор корхоналар негизида ташкил этилган шуъба корхоналарда ишлаб чиқаришни қайта тиклаш ва модернизациялаш мақсадларига йўналтирилган инвестиция қўйилмалари ҳажми 2015 йилда 2014 йилга нисбатан 6 228 млн. сўмга ошган;

молия ва саноат капитали интеграциясини кучайтириш бўйича берилган таклифи асосида иқтисодиётнинг реал сектори ва банк-молия тизимининг интеграцияси натижасида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳамда молиявий хизматлар кўрсатиш ҳажмининг ўсиши ва истиқболда мамлакатимизда ЯИМнинг 976,5 млрд. сўмдан 1362,5 млрд. сўм оралиғида қўшимча ошишига эришилишини таъминлаши прогноз қилинган. (Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлигининг 2017 йил 28 ноябрдаги АД-1-8/20-115-сонли маълумотномаси);

ишлаб чиқаришнинг технологик даври ўзаро яқин бўлган саноат, хизмат кўрсатиш корхоналарининг вертикал интеграцияси орқали интеграциялашган тузилмаларни шакллантириш таклифи (Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлигининг 2017 йил 28 ноябрдаги АД-1-8/20-115-сонли маълумотномаси). Мазкур илмий таклиф Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 17 ноябрдаги ««Ўзагротехсаноатхолдинг» акциядорлик жамиятини ташкил этиш тўғрисида»ги ПФ-4857-сон Фармонида инобатга олиниб, унга мувофиқ ташкил этилган «Ўзагротехсаноатхолдинг» акциядорлик жамиятининг асосий фаолият йўналишларини белгилашда фойдаланилган;

истиқболда молия ва саноат капитали интеграциясини кучайтириш мақсадида ҳудудларнинг саноат ишлаб чиқаришига ихтисослашув индексини

ҳисоблаш асосида маҳсулотларни қайта ишлаш, тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш, савдо ва бошқа замонавий бозор хизматларини кўрсатишга ихтисослашган интеграциялашган корпоратив тузилмаларни шакллантириш борасидаги таклифи (Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлигининг 2017 йил 28 ноябрдаги АД-1-8/20-115-сонли маълумотномаси). Мазкур илмий таклиф Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 15 сентябрдаги «Сирдарё вилоятида замонавий пахтачилик-тўқимачилик кластерини барпо этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3279-сон Қарорида инобатга олинган ҳамда унга мувофиқ ташкил этилган кластер фаолиятида қўлланилган;

худудларда интеграциялашган молия-саноат тузилмаларини шакллантириш лойиҳаларини бенчмаркинг технологияларини қўллаш орқали молиявий таъминлаш бўйича тавсия этилган «йўл харитаси» Сирдарё вилоятида ташкил этилган кластер фаолиятида қўлланилган (Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлигининг 2017 йил 28 ноябрдаги АД-1-8/20-115-сонли маълумотномаси). Бу агросаноат корхоналари интеграцияси асосида корпоратив тузилмаларни шакллантиришнинг босқичларини аниқлаш, интеграциялашган тузилма доирасида лойиҳаларни молиявий таъминлаш тизимини ташкил этиш имконини берди;

миллий иқтисодиётда халқаро рақобатбардош молия-саноат тузилмаларини ташкил этиш ҳамда ривожлантириш борасидаги илмий-назарий қарашлар «Халқаро молия муносабатлари» фани бўйича дарсликка киритилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2014 йил 9 июндаги 220-023-сонли гувоҳномаси; Тошкент молия институтининг 2017 йил 21 ноябрдаги 2/4064-сонли маълумотномаси). Мазкур илмий натижалардан дарсликда фойдаланиш миллий иқтисодиётда интеграциялашган тузилмалар фаолиятининг ўзига хос хусусиятларини очиқ беришга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 15 та, жумладан, 4 та республика ва 11 та халқаро илмий-амалий конференцияларда муҳокамадан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 39 та илмий иш, шу жумладан, 1 та монография, 1 та дарслик, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 22 та мақола, шундан 16 таси республика ва 6 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 257 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари акс этирилган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Молия-саноат гуруҳларини шакллантиришнинг назарий-концептуал асослари**» деб номланган биринчи бобида «молия-саноат гуруҳлари» тушунчасининг иқтисодий моҳияти ва таснифланиши, молия-саноат капитали интеграциясини таъминлашнинг методологик жиҳатлари, жаҳонда молия-саноат гуруҳлари шаклланиши ва ривожланишининг концептуал асослари ёритилган ҳамда тадқиқот вазифаларидан келиб чиққан ҳолда илмий хулосалар шакллантирилган.

«Молия-саноат гуруҳлари» тушунчаси моҳиятига ёндашувлар таҳлили шуни кўрсатадики, мазкур хўжалик юритиш субъектларининг иқтисодий моҳиятини асослашга қаратилган турли ёндашувлар мавжуд. Бу борада, иқтисодчи олимлардан W.Yao, K.Young, И.Стародубровская, И.Ю.Беляев, А.Е.Дворецкая, В.А.Цветковларнинг ҳамда мамлакатимиз иқтисодчи олимларидан М.Б.Хамидулиннинг молия-саноат гуруҳлари борасидаги тадқиқот ишларида ушбу корпоратив тузилмалар фаолиятига турли хилдаги таърифлар берилган ⁶. Масалан, Wei Yaoning фикрича, молия-саноат гуруҳлари деганда, молия ва саноат ташкилотлари ўртасида капитал ҳамда бошқарувнинг ўзаро бирлашуви натижасида юзага келувчи янги турдаги бирлашмалар тушунилади. Шунингдек, И.Ю.Беляев молия-саноат гуруҳларини бирлашган капиталнинг ҳаракати натижаси сифатида таърифлайди, яъни у юридик тузилмаларнинг бирлашишига ва уларнинг асосий мақсадларига эътибор бермай, фақатгина капитал нуқтаи назаридан ёндашган.

Фикримизча, молия-саноат гуруҳлари бу – ишлаб чиқариш, хўжалик, молиявий ва бошқа фаолиятлар самарадорлигини таъминлаш мақсадида марказлашган бошқарувга эга бўлган ва ўз ресурсларини (моддий, номоддий, молиявий ва бошқалар) тўлиқ ёки қисман бирлаштирган ишлаб чиқариш,

⁶ Wei Yao. Evolution Mechanism of Synergy in Industrial-Financial Groups. International Journal of Simulation. Systems, Science & Technology. 2016, Vol. 17 Issue 16, p. 9.1-9.7.; Kevin Young. Financial industry groups' adaptation to the post-crisis regulatory environment: Changing approaches to the policy cycle // Regulation & Governance. 2013, Vol. 7 Issue 4, p. 460-480.; Стародубровская И. Финансово-промышленные группы: иллюзии и реальность // Вопросы экономики. – Москва, 1995.-№ 5. – С.135-146.; Беляева И.Ю., Эскиндаров М.А. Капитал финансово-промышленных корпоративных структур. – М.: Изд. ФА, 1998. – С. 298.; Дворецкая А.Е., Никольский Ю.Б. ФПГ: менеджмент + финансы. – М.: Принтлайн, 1995. – С. 384.; Цветков В.А. ФПГ в системе рычагов стабилизации экономики России: автореф. дис. ... канд. эконом. наук. – М.: 1997. – С. 16.; Хамидулин М.Б. Развитие финансового механизма корпоративного управления: автореф. дис. ... докт. эконом. наук. – Ташкент: БФА, 2008. – С. 27.

савдо корхоналари ва молия-кредит институтларини ўз ичига олган мустақил юридик шахсларнинг интеграцияси шаклидир.

Жаҳонда кенг тарқалган йирик интеграциялашган тузилмаларнинг асосий турларидан бири сифатида молия-саноат тузилмаларини кўрсатиш ва бу ҳолатни қуйидагилар билан изоҳлаш мумкин:⁷

– молия-саноат гуруҳи корпоратив тузилма бўлиб, юридик шахс ҳуқуқи билан хўжалик юритувчи субъектларни, жумладан, саноат корхоналарини ўзида бирлаштиради;

– молия-саноат гуруҳи таркибида молиявий тузилмалар, банк ёки бошқа кредит ташкилотлари ҳам иштирок этади;

– гуруҳ аъзолари ўртасидаги мулкчилик муносабатлари ҳақиқий назорат билан тартибга солиниши ҳамда умумгуруҳ стратегиясини амалга оширишни ўзида мужассам этиши лозим.

Фикримизча, молия-саноат гуруҳларини шакллантириш ва фаолият юритишининг жаҳон тажрибасига асосланган ҳолда уларни шакллантиришнинг асосий тамойиллари сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

– ягона меъёрий-ҳуқуқий негиз асосида ҳар бир гуруҳни ташкил этиш лойиҳасининг ўзига хос хусусиятга эга бўлиши;

– асосий молиявий ва маҳсулот оқимларини белгиловчи гуруҳлар етакчисининг мавжуд бўлиши. Бунда саноат корхонаси, шунингдек, молия-кредит ташкилоти ҳам етакчи сифатида чиқиши мумкин;

– акциядорлик назорати ва шартномада белгиланган муносабатлар марказий компания томонидан молия-саноат гуруҳлари аъзоларининг бошқарувини таъминлашнинг муҳим омиллари ҳисобланади;

– ички ва ташқи бозорларда рақобатбардош маҳсулотларни, шунингдек, давлат эҳтиёжлари учун зарур маҳсулотларни ишлаб чиқарувчи ёки ишлаб чиқаришга лаёқатли корхоналарнинг аниқ мавжуд бўлган вертикал ёки горизонтал кооперациясида гуруҳларнинг вужудга келиши;

– гуруҳлар амалга оширадиган лойиҳаларни инвестициялаш учун етарлича капиталга эга бўлган молия-кредит ташкилотларини танлаб олиш;

– молия-саноат гуруҳларини ташкил этишга ва фаолият юритишига давлат томонидан ёрдам беришнинг турли хил шакллари мавжудлиги.

Диссертациянинг **«Ўзбекистонда молия-саноат гуруҳларини шакллантириш ва унда хорижий тажрибалардан фойдаланиш»** деб номланган иккинчи бобида хорижий мамлакатларда молия-саноат гуруҳлари ривожланиши қиёсий таҳлил этилган, Ўзбекистонда молия-саноат гуруҳларини шакллантиришнинг иқтисодий-молиявий шарт-шароитлари ҳамда молия-саноат гуруҳларини ривожлантириш моделларидан фойдаланиш имкониятлари баён этилган.

Молия-саноат гуруҳлари фаолият юритишининг жаҳон тажрибаси асосида таъкидлаш мумкинки, улар молиявий муассасалар ва саноат

⁷ Орехов С.А. Менеджмент финансово-промышленных групп / Орехов С.А., Селезнев В.А. – М.: МЭСИ, 2005. – 176 с.

корхоналари ўртасидаги интеграцияни кучайтириш, ишлаб чиқариш тармоқларини барқарор ривожлантириш ҳамда мамлакат иқтисодий салоҳиятини юксалтиришнинг таъсирчан инструменти бўлиб хизмат қилади.

Тадқиқотларимизнинг кўрсатишича, жаҳон иқтисодиётида молия-саноат гуруҳлари ривожланишининг англо-америка, германия, лотин ва япон моделлари кенг тарқалган. Ушбу моделлар бир-биридан ташкилий-иқтисодий механизми, молиявий муносабатларни ташкил этиш ва амалга ошириш жараёни, интеграциялашган тузилма таркибига кирувчи ташкилотлар фаолиятини ўзаро мувофиқлаштириш ва бошқариш билан фарқланади.

Халқаро тажрибалардан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистон Республикасида молия-саноат гуруҳлари фаолиятини ташкил қилишда қуйидаги моделлардан фойдаланиш мумкин деб ҳисоблаймиз:

- Япония модели;
- Германия модели.

Ушбу икки моделнинг ўзига хос хусусияти шундаки, уларда интеграциялашган тузилмалар таркибига кирувчи саноат корхоналари, молиявий ва бошқа ташкилотлар фаолиятини ўзаро мувофиқлаштириш самарали ташкил этилган⁸. Шунингдек, уларда банк ва саноат корхоналари ўртасида барқарор алоқаларнинг йўлга қўйилганлиги молия-саноат гуруҳи фаолиятини доимий ривожланишида ва истиқболли лойиҳаларни амалга оширишда муҳим ўрин тутди.

Германияда йирик банклар кўплаб юқори интеграциялашган немис корпорациялари капиталининг катта қисмига эгалик қилади. Жумладан, «Deutsche Bank» етакчи миллий корхоналардан «Daimler-Benz», «Philipp Holzmann», «Karstadt»ларнинг акциялари назорат пакетига эгалик қилган ҳолда, уларнинг молиявий менежментини амалга оширади.

Япония моделида хўжалик бирликлари корпоратив гуруҳларни ташкил этган ҳолда акцияларга қарама-қарши эгалик қилиш механизми орқали бир-бири билан яқин алоқа ўрнатган. Япониянинг йирик молия-саноат гуруҳларига «Mitsubishi», «Mitsui», «Sumitomo», «Dai-Ichi Kangyo», «Fuyo», «Sanwa» каби гуруҳлар киради. Уларнинг муҳим хусусияти – бош банкдан молиялаштиришдир.


Фикримизча, тижорат банкларининг молия-саноат гуруҳларини шакллантиришда ташаббускорлик қилиши ва фаол иштирок этишини таъминлаш учун зарур шарт-шароитларни яратиш лозим.

Тижорат банклари иштирокида молия-саноат гуруҳларини ташкил этиш учун, дастлаб, банк тизимининг молиявий ҳолатини ўрганиш муҳимдир. Мамлакатимизда иқтисодий жиҳатдан эришилаётган ижобий кўрсаткичлар, ўз навбатида, молия ва саноат капитали интеграцияси учун қулай шарт-шароит яратади.

Охириги йилларда макроиқтисодий ўсишнинг юқори суръатларига эришилиши иқтисодиёт тармоқларини кредитлаш ҳажмининг ошишига олиб

⁸ Zhao Xumei, Xia Zhanyou. The Financial System of Japanese Enterprise Group. Beijing: University of International Business and Economics Press, 2006, vol. 37, No. 4, pp. 557-580.

келди. 2016 йилда банклар томонидан ажратилган кредитлар қолдиғи 2007 йилга нисбатан ўн бир баробарга ёки 48,6 трлн. сўмга ошиб, 2017 йил 1 январь ҳолатига кўра 53,4 трлн. сўмга етди.



1-расм. Тижорат банклари томонидан иқтисодиётнинг реал секторига йўналтирилган кредитлар ҳажми ва унинг ЯИМдаги улуши⁹

Тадқиқотларга кўра, банк активларининг асосий қисмини кредит қўйилмалари ташкил этади. Тижорат банкларида кредитлаш амалиётининг тўғри ташкил этилиши, бир томондан, банкнинг барқарор даромад олишини таъминласа, иккинчи томондан, банк кредитлари мамлакат иқтисодий ривожланишининг молиявий манбаси бўлиб, макроиқтисодий кўрсаткичларнинг ўсиб боришини таъминлайди¹⁰. Бу борада мамлакатда яратилаётган ЯИМда банк кредитлари улушининг 2007-2016 йиллар оралиғида ўсиш тенденциясига эга бўлганлигини кўриш мумкин, ўз навбатида, мазкур ҳолат макроиқтисодий ўсишни таъминлаш, саноат ишлаб чиқаришини ривожлантириш жараёнида муҳим аҳамият касб этади.

1-жадвал

Банк тизими жами капитали ва кредитлари ҳажмининг ўтган йилга нисбатан ўсиш суръатлари (фоизда)¹¹

Кўрсаткичлар	2012 й.	2013 й.	2014 й.	2015 й.	2016 й.
Капитал	124,3	102,9	101,2	112,8	120,2
Кредитлар	130,3	130,1	131,2	122,6	125,1


⁹ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

¹⁰ Абдуллаева Ш., Саидов Д. Мустақиллик йилларида банк тизими ва унинг мамлакат иқтисодий барқарорлигини таъминлашдаги роли. Мамлакатимизнинг иқтисодий тараққиёти ва аҳоли фаровонлигини таъминлаш: ютуқлар, тенденция ва истикболлар. Илмий-оммабоп рисола. –Т.: ТМИ, 2016. – Б. 132.

¹¹ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

2012-2016 йиллардаги банк тизимининг жами капитали ва кредитлари ҳажмининг ўсиш суръатларига оид таҳлилий маълумотлар кредитлар ҳажми ўсишининг юқори даражада сақланиб қолаётганлигини кўрсатмоқда. Бундай ҳолат, банк тизимида риск даражасининг ошишига таъсир кўрсатиши мумкин.

Тижорат банклари ва саноат корхоналари интеграциясини кучайтириш молия тизими ривожланишининг барқарор ҳолати учун йўқотишларсиз кредит ва инвестицион рискларни пасайтиришнинг ягона самарали йўли сифатида намоён бўлади. Шунингдек, тижорат банклари кредит қўйилмалари ҳажмининг ҳамда кредит портфелида узоқ муддатли кредитлар салмоғининг ошиб бораётганлиги иқтисодиёт реал секторининг молиявий ресурсларга бўлган эҳтиёжининг юқори эканлигини кўрсатмоқда. Шу жиҳатдан молия ва саноат капитали интеграциясини таъминлаш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.



2-расм. Тижорат банклари томонидан ажратилган инвестицион кредитлар ҳажми (трлн. сўм ҳисобида)¹²

Иқтисодиёт тармоқларини модернизация қилиш, янги ишлаб чиқаришларни ташкил этиш, корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш ҳамда истикболли инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш борасидаги иқтисодий ислохотлар натижасида реал секторда фаолият кўрсатаётган корхоналарнинг молиявий ресурсларга бўлган эҳтиёжи тобора ортиб бормоқда. Бунинг натижасида тижорат банклари томонидан ажратилган инвестицион кредитлар ҳажми 2017 йил 1 январь ҳолатига кўра, 12,2 трлн сўмни ташкил этган ҳолда 2010 йилга нисбатан қарийб тўрт баробарга ошган.

¹² Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маълумотлари.

2-жадвал

Ўзбекистон Республикаси банклари томонидан иқтисодиётнинг реал секторига йўналтирилган жами кредит қўйилмалари ҳажмида айрим тижорат банклари улуши¹³

Кўрсаткичлар	2012 й.	2013 й.	2014 й.	2015 й.	2016 й.
«Ўзмилийбанк»	25,7	25,7	23,1	23,4	24,4
«Асака» банк	9,1	9,2	7,9	8,0	10,0
«Ўзсаноатқурилишбанк»	17,2	18,6	17,7	16,9	16,2
«Агробанк»	6,0	6,4	5,5	5,2	5,6
«Қишлоқ қурилиш банк»	7,0	8,1	8,7	8,5	8,8
Бошқа тижорат банклари	35,0	32,0	37,2	38,0	35,1
Жами	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0

Мамлакатимизда иқтисодиётнинг реал секторига йўналтирилган кредит қўйилмаларининг сезиларли даражада катта қисми етакчи тижорат банкларидан «Ўзмилийбанк», «Ўзсаноатқурилишбанк», «Асака» банк, «Агробанк», «Қишлоқ қурилиш банк» АТБлари ҳиссасига тўғри келади (2-жадвал). Мазкур бешта тижорат банкининг улуши 2005 йилда 93,4%ни ташкил этган бўлса, ушбу кўрсаткич 2016 йилга келиб 64,9%ни ташкил этган ҳолда 28,5 фоизли пунктга камайган. Ушбу ҳолат ижобий жараён ҳисобланиб, банк хизматлари бозорида рақобат муҳитининг шаклланаётганлигини билдиради. Бироқ тижорат банклари томонидан иқтисодиётнинг реал секторига йўналтирилган кредит қўйилмалари ҳажмида мазкур банклар юқори улушни эгалламоқда.

3-жадвал

Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари кредит қўйилмаларининг иқтисодиёт тармоқлари бўйича таркиби (фоиз ҳисобида)¹⁴

Иқтисодиёт тармоқлари	2010 й.	2011 й.	2012 й.	2013 й.	2014 й.	2015 й.	2016 й.
Саноат	32,4	41,3	42,4	44,6	48,1	42,4	42,7
Қишлоқ хўжалиги	14,6	11,4	10,8	9,5	8,4	7,9	7,1
Транспорт ва алоқа	5,3	5,1	4,7	4,2	3,9	5,1	4,7
Қурилиш	9,4	7,0	6,6	5,8	4,6	4,2	5,0
Савдо ва умумий овқатланиш	11,3	10,7	10,2	10,3	9,9	9,9	10,5
Моддий-техник таъминот	4,4	3,4	2,9	2,5	2,0	1,9	1,7
Коммунал уй-жой хўжалиги	1,2	1,4	1,3	1,2	1,3	1,1	1,1
Бошқа тармоқлар	21,4	19,7	21,1	21,9	21,8	27,5	27,2
Жами	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0

¹³ Тижорат банкларининг йиллик ҳисобот маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

¹⁴ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

3-жадвал маълумотларидан тижорат банклари кредит қўйилmalarининг иқтисодиёт тармоқлари бўйича таркибида юқори улушни айнан саноат тармоқлари эгаллаганлиги ва бу тенденция қатор йиллар давомида сақланиб қолганлигини кўришимиз мумкин, хусусан, банклар томонидан саноатга ажратилган кредитлар салмоғи 2010 йилда жами кредит қўйилmalarи таркибида 32,4 фоизни ташкил этган бўлса, ушбу кўрсаткич 2016 йилда 42,7 фоизни ташкил этиб, 10,3 фоизли пунктга ошган.

Фикримизча, мамлакатимизда молия-саноат гуруҳларини капиталлашув даражаси юқори бўлган тижорат банклари иштирокида шакллантириш мақсадга мувофиқ. Таҳлилларнинг кўрсатишича, интеграциялашган корпоратив тузилmalar таркибига кирувчи корхоналарнинг молиявий ресурсларга бўлган эҳтиёжларини қондириш, уларнинг акцияларига эгалик қилиш ва гуруҳ доирасида истиқболли инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун тижорат банки йирик ҳажмдаги капиталга эга бўлиши лозим. Республикаимизда тижорат банкларининг жами капитали 2012 йилга нисбатан қарийб бир ярим баробарга ёки 2,7 трлн. сўмга ошиб, 2017 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, 9,3 трлн. сўмни ташкил этди.¹⁵

Банклар жами капитали ҳажмида етакчи тижорат банкларидан «Ўзмиллийбанк», «Ўзсаноатқурилишбанк», «Асака» банк, «Агробанк», «Қишлоқ қурилиш банк» АТБлари юқори улушни эгаллаган бўлиб, мазкур бешта банкнинг банклар жами капиталидаги улуши 2012 йилда 37,8 фоизни ташкил этган бўлса, 2016 йилда 61,6 фоизни ташкил этган ҳолда 23,8 фоизли пунктга ошган. Молия-саноат гуруҳлари доирасида йирик инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш ҳамда корхоналарнинг молиявий маблағларга бўлган юқори эҳтиёжини инобатга олган ҳолда банклар капиталлашув даражасини рағбатлантиришга қаратилган чора-тадбирларни фаоллаштириш лозим.

4-жадвал

Ўзбекистон Республикаси банкларининг жами капитали ҳажмида айрим тижорат банкларининг улуши¹⁶

Кўрсаткичлар	2012 й.	2013 й.	2014 й.	2015 й.	2016 й.
«Ўзсаноатқурилишбанк»	5,1	6,4	10,5	11,2	10,3
«Ўзмиллийбанк»	16,0	17,7	23,9	27,3	29,4
«Асака» банк	8,8	10,1	11,6	11,8	10,9
«Агробанк»	4,5	5,4	6,0	6,0	5,7
«Қишлоқ қурилиш банк»	3,4	4,8	5,4	5,5	5,3
Бошқа тижорат банклари	62,2	55,6	42,6	38,2	38,4
Жами	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0

¹⁵ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маълумотлари.

¹⁶ Тижорат банкларининг йиллик ҳисобот маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

Фикримизча, юқоридаги маълумотларга асосланган ҳолда, «Асака» банк, «Ўзсаноатқурилишбанк», «Ўзмилийбанк» ва «Агробанк» АТБлари иштирокида саноат корхоналари билан биргаликда молия-саноат гуруҳлари ташкил этиш имкониятларини юқори деб ҳисоблаш мумкин. Шунингдек, ушбу тижорат банклари маълум бир соҳадаги саноат корхоналарига молиявий хизматлар кўрсатиб, уларга йирик ҳажмдаги инвестицияларни жалб этмоқда. Мазкур саноат корхоналари, ўз навбатида, банкларнинг акцияларини сотиб олиб, уларнинг корпоратив бошқарувида иштирок этмоқда.

Диссертациянинг «Ўзбекистонда молия-саноат гуруҳларини шакллантиришнинг иқтисодий мақсадга мувофиқлиги ва йўллари» деб номланган учинчи бобида молия ва саноат тузилмалари интеграциясининг миллий иқтисодиёт учун самарадорлиги баҳоланган, молия-саноат гуруҳларини шакллантириш йўллари ва унда тижорат банкларининг роли ҳамда молия-саноат гуруҳларини шакллантиришнинг тижорат банклари инвестицион фаоллигини оширишдаги ўрни баён этилган.

Тадқиқотларнинг кўрсатишича, тижорат банклари ва саноат корхоналарининг интеграциялашган тузилма доирасида биргаликда фаолият юритиши натижасида юқори синергетик самарага эришилади. Ушбу самара маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг ошиши, жорий харажатларнинг иқтисод қилиниши, маҳсулотлар сифатининг яхшиланиши, уни истеъмолчиларга етказиш муддатининг қисқариши, пул оқимларини самарали бошқариш ҳамда молиявий рискларнинг олдини олиш орқали инвестицион фаолликнинг ортиши натижасида юзага келади.

Миллий иқтисодиётда молия ва саноат капитали интеграциясини таъминлашнинг иқтисодий самарадорлигини муайян иқтисодий самарани ҳисоблаш йўли билан асослаш мумкин.

Макродаражада миллий иқтисодиётда молия-саноат интеграциясининг зарурийлигини асослаш учун иқтисодий самарани ҳисоблашга махсус ёндашув талаб этилади. Мазкур ёндашув интеграциянинг нафақат молия-саноат гуруҳлари, балки бутун миллий иқтисодиёт учун устувор эканлигини ифодалаши лозим.

Молия-саноат гуруҳлари инвестицияларни миллий иқтисодиётга, хусусан, саноат тармоғига кириб келишини таъминлайди. Шу сабабли таҳлил жараёнида инвестицияларнинг ўсиш миқдори ΔI_n , бевосита молия-саноат интеграцияси билан белгиланади. Бундай ёндашув молия-саноат интеграцияси орқали мамлакат банк-молия тизимидаги бўш турган молиявий ресурсларни инвестициялар кўринишида саноатга йўналтиришни кўзда тутди. Демак, иқтисодий асослашнинг моҳияти молия-саноат интеграцияси билан боғлиқ бўлган саноат тармоғига киритилаётган инвестициялар туфайли ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) ошишини ифодаловчи иқтисодий самарани ҳисоблашдан иборат бўлади. Шундай экан, иқтисодий самарани ҳисоблаш учун дискрет миқдорда ифодаланган мультипликаторни аниқлаш лозим.

Дисперсион таҳлил асосида (m_n) мультипликация коэффициентининг формуласи аниқланади. Мультипликатор формуласини қуйидагича

кўринишда $\Delta Y_n = \sum m_n^\circ * \sum \Delta I_n^\circ$ ўзгартирган ҳолда молия-саноат интеграциясидан иқтисодий самарани моделлаштирувчи якуний формулага эга бўлинган¹⁷:

$$\Delta Y_n = \sum \Delta I_n^\circ * \left[\sum_{i=1}^{n-1} \frac{\sum \Delta Y_i^\circ}{\sum \Delta I_i^\circ * (n-1)} \pm \sqrt{\sum_{i=1}^{n-1} \left(\frac{\sum \Delta Y_i^\circ}{\sum \Delta I_i^\circ} - \sum_{i=1}^{n-1} \frac{\sum \Delta Y_i^\circ}{\sum \Delta I_i^\circ * (n-1)} \right)^2 * \frac{1}{n-1}} \right]$$

Бунда,

ΔY_n - ЯИМ ўсишининг ҳисобланаётган қиймати;

ΔI_n° - молия-саноат интеграцияси натижасида йўналтириладиган инвестициялар жами ҳажми;

$\sum \Delta Y_i^\circ$ - инвестициялар ҳисобига ЯИМнинг ўсиши;

$\sum \Delta I_i^\circ$ -i = (1,2,3...n) муддат оралиғида таҳлил этилаётган ҳар бир i даврда инвестициялар ўсишининг йиғиндиси;

n - прогноз даври.

Молия-саноат интеграциясидан олинadиган иқтисодий самарани ҳисоблаш ва миллий иқтисодиёт микёсида ушбу жараённи моделлаштириш юқоридаги формулага таҳлил қилинаётган вақт давомидаги маълум кўрсаткичларни кўйиш билан амалга оширилади.

Молия-саноат интеграциясидан олинadиган самарани ҳисоблаш учун молия-саноат гуруҳларини шакллантиришга йўналтириладиган инвестицияларнинг ҳажмини аниқлаш зарур. Бу эса, ўз навбатида, тижорат банкларининг ресурсларига боғлиқ бўлади. Банк тизимида капиталлашув даражаси ва инвестицион салоҳияти бўйича етакчи бўлган тижорат банкларидан – «Ўзмиллийбанк», «Ўзсаноатқурилишбанк», «Асака» банк ва «Агробанк» АТБларининг жамланган инвестицион салоҳияти 2016 йил ҳолатига кўра, 630 млрд. сўмни ташкил этади. Мазкур ҳолатда уларнинг инвестицион салоҳияти тақсимланмаган фойда кўринишида ҳисобга олинади.

Муайян эҳтимолий ўзгаришларни ҳисобга олиб, инвестициялар ҳажмини $\Delta I_n = 600$ млрд. сўм деб қабул қиламиз. Тегишли ҳисоб-китоблар асосида кутилиши мумкин бўлган оғишларни ҳисобга олиб, (m_n) мультипликация коэффициентининг ўртача прогноз қийматини аниқлаймиз: $m_n = 1,95 \pm 0,32$. Шу асосда молия-саноат интеграциясидан олинadиган иқтисодий самара куйидагича кўринишга эга бўлади:

$$\Delta Y_n = \Delta I_n * (1,95 \pm 0,32)$$

Мультипликация коэффициентининг иккита мумкин бўлган вариантларида молия-саноат гуруҳларини шакллантиришдан олинadиган иқтисодий самаранинг ўлчамини аниқлаймиз, бу, ўз навбатида, макроиқтисодий бозор конъюктурасининг кутилиши мумкин бўлган тебранишларини ифодалайди.

¹⁷ Муафих А.Г. Формирование финансово-промышленных групп в экономике Республики Казахстан. Автореф. дис. ... к.э.н. – М., 2006. – 25 с.

Ҳисоб-китобларга кўра, иқтисодиётнинг реал сектори ва банк-молия тизимининг интеграцияси саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши кўринишида ижобий самара бериб, ЯИМ кўрсаткичининг (976,5 млрд. сўмдан 1362,5 млрд. сўм оралиғида кўшимча ўсиши) ошишида ифодаланади. Бошқача айтганда, молия ва саноат капитали бирлашишидан ижобий самара миллий иқтисодиётни барқарорлаштиришга, унинг рақобатбардошлик даражасининг ошишига имкон яратади. Шунингдек, технологик занжир доирасида пул оқимлари ва барча ишлаб чиқариш жараёнлари ўртасидаги алоқадорлик ҳамда ягоналик ҳисобига инвестицион фаолликнинг ошиши билан боғлиқ равишда ижобий самарани кучайтириш мумкин.

Мамлакатимизда иқтисодиёт реал сектори корхоналарини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашда банкларнинг иштирокини янада кенгайтиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Бу борада, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 18 ноябрдаги «Иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-4053-сонли, шунингдек, иқтисодий ночор корхоналарни молиявий соғломлаштириш учун янада қулай шароитлар яратиш мақсадида 2017 йил 20 апрелдаги «Иқтисодий ночор корхоналарни қўллаб-қувватлаш механизмларини янада кенгайтириш ҳамда тижорат банкларининг кўчмас мулк объектлари негизида янги ишлаб чиқариш қувватларини ташкил этишни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5022-сонли фармонлари қабул қилинган.

Таъкидлаш жоизки, ушбу фармонларда белгилаган вазифалар тижорат банклари ва саноат тармоқлари интеграциясини кучайтиришга ҳамда молия-саноат гуруҳларини шакллантириш борасидаги амалий тажрибаларни янада такомиллаштиришга хизмат қилмоқда.

Мамлакатимизда саноат ишлаб чиқаришини ривожлантириш, қайта ишлаб чиқариш қувватларини барпо этиш, корхоналарда замонавий технологияларни жорий этиш борасидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 1 майдаги «Балиқчилик тармоғини бошқариш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2939-сонли Қарори, 2017 йил 16 октябрдаги «Республикамизда асаларичилик тармоғини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3327-сонли Қарори ҳамда чорвачилик, паррандачилик ва бошқа соҳаларни ривожлантиришга қаратилган Қарор ва фармонлари тижорат банклари ва саноат корхоналарининг ўзаро интеграциялашган ҳолатда фаолият юритишига асос бўлмоқда. Банклар томонидан инвестиция, лизинг компанияларининг ташкил этилганлиги ва банклар фақатгина истиқболли лойиҳаларни молиялаштириш билан чекланиб қолмасдан, маслаҳат, ахборот-таҳлил ва маркетинг каби хизматларни кўрсатаётганлиги улар ташаббускорлиги ва фаол иштирокида молия-саноат гуруҳларини шакллантириш имкониятини оширмоқда.

Диссертациянинг «**Ўзбекистонда молия-саноат гуруҳларини шакллантириш истиқболлари**» деб номланган тўртинчи бобида Ўзбекистонда молия-саноат гуруҳларини шакллантиришнинг ташкилий-

иқтисодий асослари ҳамда молия-саноат гуруҳларини ташкил этиш хусусиятлари ва истиқболлари ёритилган.


Мамлакатимиз иқтисодиётида изчиллик билан амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар натижасида молия ва саноат капитали интеграциясини кучайтириш жараёнига тўсқинлик қилувчи муаммоларнинг ижобий тарзда ҳал этилишига эришилмоқда.

Хорижий тажрибалардан келиб чиққан ҳолда, молия-саноат гуруҳларини шакллантириш куйидаги йўллар орқали амалга оширилиши мумкин:

- гуруҳ қатнашчилари томонидан қонунчиликда назарда тутилган тартибда акциядорлик жамиятини, шунингдек, холдингни таъсис этиш;
- ташкил этилаётган молия-саноат гуруҳи иштирокчилари акциялар пакетларини гуруҳ иштирокчиларидан бири ҳисобланган банк ёки молия-кредит институтига ихтиёрий равишда ваколатли бошқаришга бериш;
- гуруҳ қатнашчиларидан бири томонидан бошқа корхоналар, жумладан, гуруҳ қатнашчиси бўлаётган муассаса ва ташкилотлар акциялари пакетларининг эгалланиши.

Илғор хориж тажрибаларига асосланган ҳолда, миллий иқтисодиётни ривожлантириш хусусиятларидан келиб чиқиб, фикримизча, мамлакатимизда истиқболда молия-саноат гуруҳларини куйидаги йўллар орқали шакллантириш имкониятлари мавжуд:

- макродаражада, яъни алоҳида йирик саноат тармоғида холдингларни ташкил этиш асосида;
- микродаражада эса, саноат корхоналарининг ҳудудий жиҳатдан интеграциясини таъминлаш орқали кластерларни шакллантириш асосида;
- устав капиталида тижорат банкларининг улуши юқори бўлган корхоналарни бошқарувчи инвестиция компаниялари асосида.



3-расм. Молия-саноат гуруҳларини шакллантиришнинг шартли ташкилий тузилмаси¹⁸

Фикримизча, мамлакатимизда тижорат банки иштирокида молия-саноат гуруҳларини шакллантиришнинг ташкилий тузилмасини 3-расмдаги каби кўринишда тасвирлаш мумкин. Бунда молия-саноат гуруҳининг бошқарувчи

¹⁸ Муаллиф томонидан тузилган.

компанияси ўз атрофида ишлаб чиқариш корхонаси, савдо, суғурта, инвестиция ва лизинг компанияларини бирлаштиради ҳамда улар фаолиятини мувофиқлаштиради. Тижорат банки гуруҳ доирасидаги истиқболли лойиҳаларни молиялаштириш, пул оқимларини назорат қилиш ҳамда молиявий рискларни бошқариш каби фаолиятларни амалга оширади.

Ўзбекистонда молия-саноат гуруҳларини шакллантиришнинг муҳим вазифаларига қуйидагиларни киритиш мумкин:

– инвестиция ресурсларини иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларида жамлаш;

– маҳаллий ишлаб чиқарувчилар экспорт салоҳияти ва маҳсулотларининг рақобатбардошлигини ошириш;

– саноатда истиқболли таркибий ўзгаришларни амалга ошириш;

– бозор иқтисодиёти шароитларида оқилona технологик ва кооперацион алоқаларни шакллантириш, эркин рақобат муҳитини ривожлантириш.

Диссертациянинг «Ўзбекистонда интеграциялашган тузилмаларни шакллантириш йўллари ва имкониятлари» деб номланган бешинчи бобида молия-саноат гуруҳларини шакллантириш модели ва унинг инновацион салоҳияти, Ўзбекистонда интеграциялашган корпоратив тузилмаларни шакллантиришнинг истиқболли йўналишлари ҳамда саноат тармоқларида ҳудудий жиҳатдан интеграциялашган тузилмаларни шакллантириш имкониятлари ёритилган.

Таркибий ислохотларни чуқурлаштириш, етакчи тармоқларни диверсификациялаш ва модернизациялаш ҳисобига миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигини ошириш «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси»ни муваффақиятли амалга оширишнинг асосий шарт-шароити ҳисобланади. Бу борада иқтисодиёт тармоқларида фаолият юритаётган ишлаб чиқаришнинг технологик даври жиҳатидан ўзаро алоқадор бўлган корхоналар иштирокида интеграциялашган корпоратив тузилмаларни шакллантириш муҳим ўрин тутади.

Молия-саноат гуруҳлари доирасида ягона илмий-техникавий ва инвестициявий сиёсатнинг шакллантирилиши ҳамда юритилиши инновацион салоҳиятнинг ошишига ижобий таъсир кўрсатади. Шунингдек, молия ва саноат капитали бирлашиши натижасида иқтисодиётнинг реал секторида фаолият кўрсатувчи корхоналарнинг молиявий ресурсларга бўлган эҳтиёжи қондирилади. Чунки улар фаолиятида янги илмий тадқиқот ишланмалари ва инновацияларни жорий этиш масаласи бевосита молиявий ресурслар таъминотига боғлиқ.

Тадқиқотларга кўра, миллий иқтисодиётда вертикал интеграциялашган корпоратив тузилмаларни ташкил этиш самарадорлигини баҳолаш учун Альтманнинг модификацияланган моделини қўллаш тавсия этилади¹⁹:

¹⁹ Орлова Е.А. Формирование вертикально-интегрированных образований в промышленности России. Автореф. дис. ... к.э.н. – Б., 2010. – 22 с.

$$R = X_1 + X_2 + X_3 + X_4 + X_5 > 0$$

Бунда,

R – корхонанинг молиявий барқарорлигини баҳолаш кўрсаткичи;

X_1 – корхонанинг умумий тўловга қобилиятлилик кўрсаткичи;

X_2 – корхонанинг ўз капитали рентабеллиги;

X_3 – корхона капиталлашуви коэффиценти;

X_4 – менежмент коэффиценти;


X_5 – корхонанинг ўз маблағлари билан таъминланганлиги коэффиценти.

Ягона корпоратив тузилмада бирлашгунга қадар ва бирлашгандан кейинги R қийматини таққослаш интеграциялашган корпоратив тузилма ташкил этиш самарадорлиги бўйича хулоса қилишга имкон беради.

Мазкур услуб орқали «Ўзагротехноатмашхолдинг» ХК, «Ўзқишлоқхўжаликмасшлизинг» АЛК, «Ўзагромашсервис» уюшмаси иштирокида интеграциялашган тузилманинг шакллантирилиши уларнинг алоҳида фаолият юритишига нисбатан юқори самарадорликка эга эканлиги аниқланди. Бу асосан, ишлаб чиқаришнинг ўзаро боғлиқ ягона тизимининг ташкил этилиши, фаолият кўламининг кенгайиши ҳисобига ортиқча харажатларнинг камайиши, молиявий ва ишлаб чиқариш салоҳиятининг ортиши, капиталнинг концентрациялашуви, якуний маҳсулотларни сотиш бўйича ягона тизимли маркетинг тадқиқотларининг амалга оширилиши орқали юзага келади. Шу мақсадда ягона интеграциялашган «Ўзагротехноатхолдинг» акциядорлик жамияти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 17 ноябрдаги ««Ўзагротехноатхолдинг» акциядорлик жамиятини ташкил этиш тўғрисида»ги ПФ-4857-сонли Фармони асосида ташкил этилди. Мазкур интеграциялашган тузилма ўз таркибига бир қатор ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш корхоналарини ҳамда лизинг компанияси филиалларини қамраб олган.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда ҳудудлар иқтисодий салоҳиятини юксалтириш, янги ишлаб чиқариш қувватларини барпо этишга қаратилган ислохотлар амалга оширилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикасини 2017-2021 йилларда ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида ҳудудларда кичик саноат зоналарини ташкил этиш уларнинг ихтисослашуви, ҳудуднинг ресурс салоҳиятини инобатга олган ҳолда, ишлаб чиқаришнинг тўлиқ циклини амалга оширувчи тадбиркорлик субъектларини жойлаштириш ҳамда кичик саноат зоналари ҳудудида янги инвестициявий лойиҳаларни амалга оширишда тижорат банкларининг иштирокини кенгайтириш муҳим йўналишлар сифатида белгиланган.

Мамлакатимиз ҳудудларида интеграциялашган молия-саноат тузилмаларини шакллантириш лойиҳаларини бенчмаркинг технологияларини қўллаш орқали молиявий таъминлашнинг «йўл харитаси»ни ишлаб чиқиш ҳамда лойиҳаларни молиялаштириш тартибини аниқлаш муҳим ҳисобланади. Лойиҳани молиявий таъминлаш ва бошқаришнинг ташкилий тузилмаси 4-расмдаги кўринишда бўлиши мақсадга мувофиқ.



4-расм. Интеграциялашган тузилма лойиҳа ва дастурларини молиялаштириш ҳамда бошқаришнинг ташкилий тузилмаси²⁰

Худудий жиҳатдан интеграциялашган молия-саноат тузилмаларини шакллантиришни молиявий таъминлаш учун қуйидаги «йўл харитаси»дан фойдаланиш тавсия этилади: 1) «интеграциялашган тузилманинг инвестицион жозибадорлигини таъминлаш»; 2) ««ишлаб чиқариш – илмий тадқиқот – инновацион ривожланиш» жараёнини ташкил этиш»; 3) ««қўшилган қиймат занжирини яратиш», «рақобатлашув жараёнига кириш»»; 4) «тузилмага бир-бирига яқин ва хизмат кўрсатувчи тармоқларни жалб этишни қўллаб-қувватлаш, бизнес-аутсорсингдан фойдаланиш»; 5) «молия ва саноат капитали интеграциясини таъминлаш»; 6) «рақобатлашув даражасини ошириш»; 7) «ягона худудий инфратузилмавий мажмуани ташкил этиш»; 8) «тузилма иштирокчилари фаолиятини барқарорлаштиришга қаратилган истикболли лойиҳаларни амалга ошириш»; 9) «саноат ишлаб чиқаришини замонавий технологиялар билан таъминлаш тизимини ташкил этиш».

Интеграциялашган тузилманинг бошқарув кенгаши тузилма доирасидаги дастур ва лойиҳаларни амалга оширишда иштирок

²⁰ Муаллиф томонидан тузилган.

этувчиларнинг фаолиятини мувофиқлаштириб бориш вазифасини бажаради. Бошқарувчи компания эса, интеграциялашган тузилма фаолиятининг барча дастурлари ва уни ривожлантириш борасидаги чора-тадбирларни амалга ошириш билан шуғулланади. Тузилма доирасидаги пул оқимларини бошқариш ва лойиҳаларни молиялаштириш учун зарур маблағларни йўналтириш вазифасини тижорат банки бажаради.

Худудий интеграциялашган корпоратив тузилмалар, хусусан, саноат кластерларида бошқарувчи компания ва тузилма таркибига кирувчи ташкилотлар ўртасидаги молиявий муносабатларни самарали ташкил этиш мақсадида, тузилма таркибига кирувчи ташкилотларнинг молиявий маблағларини жамлаш ва тақсимлаш функциясини бошқарувчи компания амалга ошириши мақсадга мувофиқ.

Фикримизча, интеграциялашган тузилма лойиҳаларини молиялаштириш ва бошқариш бўйича таклиф этилган ташкилий тузилманинг афзаллиги худудларда саноат кластерлари фаолиятини ташкил этиш ва бошқаришда худудлараро ва тармоқлараро ҳамкорликни мустаҳкамлаш, тузилма иштирокчиларининг молиявий манфаатларини ўзаро мувофиқлаштириш ҳамда молиявий муносабатларни самарали ташкил этиш имконини беради.

Интеграциялашган молия-саноат гуруҳларини шакллантириш жараёнида асосий масалалардан бири тузилмани ташкил этиш тамойилларини белгилаш ва иштирокчилар фаолиятини ўзаро мувофиқлаштириш бўлиб, бунда тузилма таркибига кирувчи саноат корхоналарининг фаолияти технологик жиҳатдан бир-бирига яқин бўлиши лозим. Бундай молия-саноат гуруҳларини кластер асосида самарали ташкил этиш мумкин.

Кластер асосида молия-саноат гуруҳларини шакллантириш қайта ишлаб чиқариш саноатидаги корхоналарни танлаш жараёни билан бошланади. Бунда корхоналарнинг худудий жиҳатдан яқинлиги ва ишлаб чиқариш жараёнининг барча босқичларини тўлиқ қамраб олиш муҳим аҳамиятга эга.

Худудлар ижтимоий-иқтисодий тараққиётида саноат кластерлари муҳим ўрин тутди, чунки уларда иштирокчиларнинг биргаликда фаолият юритиши тузилма доирасида кўшимча рақобат афзалликларини шакллантиришга шароит яратади²¹.

Истикболда молия ва саноат капитали интеграциясини кучайтириш мақсадида худудларнинг саноат ишлаб чиқаришига ихтисослашув индексини (Specialization Index) ҳисоблаш орқали индекс даражаси юқори бўлган айрим худудлардаги саноат корхоналари иштирокида интеграциялашган тузилмаларни, хусусан, кластерларни шакллантириш мақсадга мувофиқ. Мамлакатимизда иқтисодий фаолият турлари бўйича саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажмида юқори улушни қайта ишлаб чиқариш саноати эгаллаганлиги туфайли мазкур тармоқ таркибига кирувчи соҳаларнинг худудий жиҳатдан ихтисослашувини баҳолаш лозим.

²¹ Timothy Slaper, Grace Ortuzar. Industry Clusters and Economic Development. Indiana Business Review, Vol. 90, No.1. 2015. p.7.

Худудлар кесимида 2016 йилда ишлаб чиқариш саноатининг айрим тармоқлари бўйича ихтисослашиш даражаси индекси²²

	озик-овқат маҳсулотлари, ичимликлар ва тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқариш	тўқимачилик маҳсулотлари, кийим ва тери маҳсулотлари ишлаб чиқариш	кимё маҳсулотлари, резина ва пластмасса буюмлар ишлаб чиқариш	металлургия саноати	машина ва ускуналар ишлаб чиқариш, таъмирлаш ва ўрнатил, автотранспорт воситалари ишлаб чиқариш
Қорақалпоғистон Республикаси	0,86	0,69	4,98	0,001	0,06
Андижон	0,70	1,50	0,31	0,02	3,15
Бухоро	1,02	1,12	0,40	0,01	0,31
Жиззах	1,05	2,06	0,41	0,28	0,91
Қашқадарё	1,16	1,34	2,57	0,01	0,05
Навоий	0,46	0,65	0,84	4,86	0,22
Наманган	1,13	1,71	0,41	0,22	0,65
Самарқанд	1,67	1,13	0,55	0,01	1,13
Сурхондарё	1,29	1,68	0,05	0,02	0,45
Сирдарё	1,47	1,72	0,25	0,02	0,22
Тошкент	1,09	0,65	0,93	2,47	0,53
Фарғона	0,77	1,55	0,90	0,025	0,25
Хоразм	1,15	1,35	0,07	0,015	2,16
Тошкент ш.	0,88	0,49	1,05	0,93	1,65

Худудларнинг саноат ишлаб чиқаришига ихтисослашуви индекси ($I_{\text{ихт}}$) қуйидаги формула асосида ҳисобланади²³:

$$I_{\text{ихт}} = \frac{T_{\text{х}}}{T_{\text{м}}} * \frac{C_{\text{м}}}{C_{\text{х}}}$$

Бунда: $T_{\text{х}}$ – худудда саноатнинг муайян тармоғида ишлаб чиқариш ҳажми; $T_{\text{м}}$ – мамлакатда саноатнинг муайян тармоғидаги ишлаб чиқариш ҳажми; $C_{\text{х}}$ – худудда жами саноат ишлаб чиқариши ҳажми; $C_{\text{м}}$ – мамлакатда жами саноат ишлаб чиқариши ҳажми.

²² Муаллиф ҳисоб-китоблари.

²³ Винокурова М.В. Повышение конкурентоспособности региона: кластерный подход / М.В. Винокурова. - Иркутск: Изд-во БГУЭП, 2009. – 203 с.

5-жадвал маълумотларидан кўришимиз мумкинки, озиқ-овқат маҳсулотлари, ичимликлар ва тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқариш тармоғида ихтисослашиш даражаси индексининг юқори миқдори Самарқанд, Сирдарё вилоятларига, тўқимачилик маҳсулотлари, кийим ва тери маҳсулотлари ишлаб чиқариш тармоғида ихтисослашиш даражаси индексининг юқори миқдори Жиззах, Сирдарё ва Наманган вилоятларига тўғри келган бўлиб, ушбу ҳолатларни ҳудудларда мазкур тармоқ корхоналарида амалга оширилган модернизациялаш ва техник қайта қуроллантириш ишлари билан изоҳлаш мумкин.

Фикримизча, ҳудудий интеграциялашган корпоратив тузилмаларни озиқ-овқат маҳсулотлари ҳамда тўқимачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш каби саноат тармоқларида шакллантириш имконияти ва салоҳияти юқори деб ҳисоблаймиз. Чунки мазкур саноат тармоқларида ишлаб чиқариш учун зарур бўлган хомашё ресурслари деярли барча ҳудудларда мавжуд бўлиб, ҳудудларда ушбу саноат тармоқларида фаолият кўрсатувчи замонавий интеграциялашган тузилмаларни босқичма-босқич шакллантириб бориш мақсадга мувофиқ.

Саноат тармоқларида ташкил этиладиган интеграциялашган корпоратив тузилмалар ишлаб чиқариш жараёнининг барча босқичларини, жумладан, хомашё етиштиришдан тортиб, юқори қўшилган қийматга эга тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш ва уни сотиш жараёнигача бўлган технологик занжирни ўз ичига қамраб олиши лозим.

ХУЛОСА

Тадқиқот жараёнида қуйидаги **илмий хулосалар** шакллантирилди:

1. Молия-саноат гуруҳларининг шакллантирилиши ва фаолият юритиши орқали, биринчидан, банк капиталини саноатга йўналтириш муаммоси ҳал этилади, иккинчидан, банк тизимига бўлган ишонч ортади ва унинг тузилмаси такомиллашади, учинчидан, молия-саноат гуруҳлари ўртасида янги йирик ташкилотларни жалб этиш учун, банклар ўртасида эса гуруҳнинг энг фойдали иштирокчиларига хизмат кўрсатиш бўйича рақобатлашув жараёни кучаяди, тўртинчидан, тузилма таркибидаги ташкилотлар рентабеллиги ортади.

2. Молия-саноат гуруҳлари хўжалик юритишнинг замонавий тузилмаси бўлиб, унинг ижобий жиҳати сифатида молиявий маблағларнинг самарали ҳолда бошқарилиши, рақобатбардошликнинг оширилиши ҳамда бошқарувнинг оқилона йўлга қўйилишини кўриш мумкин. Молия-саноат гуруҳларини шакллантириш жараёни мамлакатда саноатни тараққий эттиришга, бозор муносабатларини ривожлантиришга ҳамда жаҳон хўжалигига интеграциялашув жараёнининг кучайишига ёрдам беради.

3. Ўзбекистон Республикасида молия-саноат гуруҳларини шакллантириш жараёнини иқтисодий истикболдаги иқтисодий ўсиши ва модернизациялашнинг умумий дастурлари доирасида амалга ошириш мумкин. Молия-саноат гуруҳларини шакллантириш стратегияси республикадаги мавжуд иқтисодий жараёнларга, таъминот ва сотув бозорлари таҳлилига, умумдавлат устувор йўналишларига, мамлакат ичидаги ва бошқа минтақалардаги корхоналарнинг мураккаблашган алоқаларига асосланиши керак.

4. Тижорат банклари томонидан иқтисодийнинг реал секторига ажратилган кредитлар ҳажмининг ва жами кредит портфелида узок муддатли кредитлар салмоғининг юқори суръатларда ошиб бораётганлиги муайян даражада рискларни юзага келтириши мумкин. Мазкур жараёнда банк ва саноат капитали интеграциясини таъминлаш молия тизими ривожланишининг барқарор ҳолати учун кредит қайтмаслиги ва инвестицион рискларни камайтиришнинг ягона самарали йўли сифатида намоён бўлади. Шунингдек, тижорат банклари кредит қўйилмалари ҳажмининг ҳамда кредит портфелида узок муддатли кредитлар салмоғининг ошиб бораётганлиги иқтисодий реал секторининг молиявий ресурсларга бўлган эҳтиёжининг юқори эканлигини кўрсатмоқда. Шу жиҳатдан молия ва саноат капитали интеграциясини таъминлаш мақсадга мувофиқ.

5. Мамлакатимизда тижорат банклари иштирокида молия-саноат гуруҳларини шакллантириш учун қуйидаги асослар мавжуд деб ҳисоблаймиз: биринчидан, тижорат банклари томонидан иқтисодийнинг реал секторига ажратилаётган кредитлар ҳажмининг ошиб бораётганлиги, хусусан, корхоналарнинг ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш мақсадида молиявий ресурсларга бўлган эҳтиёжининг юқорилиги. Иккинчидан, тижорат банклари кредит

қўйилмалари таркибида айнан саноат тармоғига ажратилган кредитлар салмоғининг юқорилиги. Учинчидан, банклар ва саноат корхоналарини ўзаро интеграциялашган ҳолда фаолият юритиши бўйича амалий тажрибаларнинг мавжудлиги. Тўртинчидан, тижорат банклари томонидан корхоналарга йўналтирилаётган инвестицион кредитлар ҳажмининг ошиши молия ва саноат капитали интеграциясини янада кучайтиришга имкон яратмоқда.

6. Жаҳон тажрибасидан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистон Республикасида молия-саноат гуруҳлари фаолиятини ташкил қилишда қуйидаги икки давлатнинг моделидан фойдаланиш мумкин, деб ҳисоблаймиз:

– Япония модели.

– Германия модели.

7. Республикамизда «Асака» банк, «Ўзсаноатқурилишбанк», «Ўзмиллийбанк» ва «Агробанк» АТБларининг мос равишда саноат ва қишлоқ хўжалиги корхоналари билан биргаликда молия-саноат гуруҳларини ташкил этиш имкониятларини юқори деб ҳисоблаш мумкин.

8. Молия ва саноат капитали интеграциясини кучайтириш орқали иқтисодиётнинг реал сектори ва банк-молия тизимининг интеграцияси натижасида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳамда молиявий хизматлар кўрсатиш ҳажмининг ўсишига ва истиқболда ялпи ички маҳсулот ҳажмининг ошишига эришилади.

9. Истиқболда молия ва саноат капитали интеграциясини кучайтириш мақсадида ҳудудларда ишлаб чиқаришнинг технологик даври ўзаро алоқадор бўлган бир-бирига яқин жойлашган маҳсулотларни қайта ишлаш, тайёр маҳсулотларни ишлаб чиқариш, савдо ва бошқа замонавий бозор хизматларини кўрсатишга ихтисослашган ҳамда юқори технологиялар билан жиҳозланган корхоналар иштирокида вертикал интеграциялашган корпоратив тузилмаларни – саноат кластерларини шакллантириш лозим.

10. Ҳудудларнинг саноат ишлаб чиқаришига ихтисослашуvidан келиб чиққан ҳолда ихтисослашув даражаси юқори бўлган айрим ҳудудлардаги саноат корхоналари иштирокида интеграциялашган корпоратив тузилмаларни шакллантириш мақсадга мувофиқдир. Ҳудудий интеграциялашган корпоратив тузилмаларни озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳамда тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш каби саноат тармоқларида шакллантириш имконияти ва салоҳияти юқоридир.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.27.06.2017.I.15.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ БАНКОВСКО-ФИНАНСОВОЙ АКАДЕМИИ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН И ТАШКЕНТСКОМ
ГОСУДАРСТВЕННОМ ЭКОНОМИЧЕСКОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

ТАШКЕНТСКИЙ ФИНАНСОВЫЙ ИНСТИТУТ

АТАНИЯЗОВ ЖАСУРБЕК ХАМИДОВИЧ

**СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ МЕТОДОЛОГИЧЕСКИХ ОСНОВ
ФОРМИРОВАНИЯ И РАЗВИТИЯ ФИНАНСОВО-ПРОМЫШЛЕННЫХ
ГРУПП В УЗБЕКИСТАНЕ**

08.00.07 – Финансы, денежное обращение и кредит

**АВТОРЕФЕРАТ ДОКТОРСКОЙ (DSc) ДИССЕРТАЦИИ
ПО ЭКОНОМИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2018

Тема диссертации доктора наук (DSc) зарегистрирована Высшей аттестационной комиссией при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № B2017.2.DSc/Iqt81.

Диссертация выполнена в Ташкентском финансовом институте.

Автореферат диссертации размещён на трех языках (узбекском, русском, английском (резюме)) на веб-сайте Научного совета (www.bfa.uz) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziyonet.uz).

Научный консультант: **Жумаев Нодир Хосиятович**
доктор экономических наук, профессор

Официальные оппоненты: **Иминов Одилжон Каримович**
доктор экономических наук, профессор

Мустафакулов Шерзод Игамбердиевич
доктор экономических наук, доцент

Исмаилов Алишер Агзамович
доктор экономических наук

Ведущая организация: **Научно-образовательный центр корпоративного управления**

Защита диссертации состоится «___» _____ 2018 г. в ___ часов на заседании Научного совета DSc.27.06.2017.I.15.01 по присуждению ученой степени при Банковско-финансовой академии Республики Узбекистан и Ташкентском государственном экономическом университете. Адрес: 100000, г. Ташкент, ул. Мовароуннахр, 16. Тел.: (99871) 237-53-25, факс: (99871) 237-54-01, e-mail: info@bfa.uz

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Банковско-финансовой академии Республики Узбекистан (зарегистрирован за № ____). Адрес: 100000, г. Ташкент, ул. Мовароуннахр, 16. Тел.: (99871) 237-53-25, факс: (99871) 237-54-01, e-mail: info@bfa.uz.

Автореферат диссертации разослан «___» _____ 2018 года.
(протокол реестра №__ от «___» _____ 2018 года.)

А.Ш. Бекмуродов

Председатель Научного совета по присуждению ученых степеней, доктор экономических наук, профессор

У.В. Гафуров

Секретарь Научного совета по присуждению ученых степеней, доктор экономических наук, доцент

Н.М. Махмудов

Председатель научного семинара при Научном совете по присуждению ученых степеней, доктор экономических наук, профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация докторской диссертации)

Актуальность и востребованность темы диссертации. Как показывает мировая практика, создание финансово-промышленных групп как одного из видов интегрированных корпоративных структур имеет важное значение при повышении производственного потенциала и обеспечении его устойчивости в национальной экономике. Современные финансово-промышленные группы, несомненно, смогут превратиться в крупные экономические и финансовые институты в стране и в мире. Вносимый ими вклад в национальную и мировую экономику имеет важное значение в создании новых экономических зон, развитии промышленного производства и финансовых рынков. По данным Европейской комиссии и United Nations Conference on Trade and Development (Конференция по торговле и развитию ООН), почти половина объема международной торговли приходится на долю крупных интегрированных структур. Годовой оборот крупных финансово-промышленных групп во многих странах мира превышает объем валового национального продукта. Кроме этого, основная часть промышленного производства и трудоустроенного населения в развитых и развивающихся странах приходится именно на эти структуры¹.

В мировой практике известно, что большая часть средств банков направляется на создание высокотехнологичных и наукоёмких производств, это, в свою очередь, способствует реализации новых проектов в промышленной сфере, а также повышению инновационного потенциала и конкурентоспособности экономики. Кроме этого, целесообразно формировать идеальную интеграционную систему, возникающую в результате установления прочных связей между финансовыми институтами и производственными предприятиями, в целях повышения производственной эффективности национальной экономики и обеспечения ее непрерывности, а также поддержки устойчивого экономического развития, так как в условиях глобализации мировой экономики необходимо обеспечить высокий уровень конкурентоспособности субъектов, функционирующих в национальной экономике. Для этого необходимо усилить интеграцию финансового и промышленного капитала, сформировать высокоинтегрированную корпоративную структуру, а также повысить эффективность системы корпоративного управления.

В нашей стране последовательно осуществляются экономические реформы по повышению инвестиционной активности банков, развитию промышленного производства, усилению интеграции между коммерческими банками и промышленными предприятиями, увеличению инвестиций, направляемые в реальный сектор экономики и на этой основе структурному изменению отраслей и сфер экономики, а также оснащению предприятий современной техникой и технологией. В результате этих важных мер в 2016 году объем кредитов коммерческих банков, направленных в реальный сектор

¹ European Commission. (2016). Innovation Policy. Retrieved from: <http://ec.europa.eu>.; <http://unctad.org>.

экономики, увеличился по отношению к 2007 году в 11 раз, объем инвестиционных кредитов - в 10 раз, объем производства промышленной продукции - в 6 раз. В Стратегии действий по развитию Республики Узбекистан на 2017-2021 годы в качестве важных направлений отмечена: «дальнейшая модернизация и диверсификация промышленности путем перевода ее на качественно новый уровень, направленные на опережающее развитие высокотехнологичных обрабатывающих отраслей, прежде всего по производству готовой продукции с высокой добавленной стоимостью на базе глубокой переработки местных сырьевых ресурсов»². Эффективное выполнение данных задач, в частности, оснащение предприятий современной техникой и технологией, развитие высокого наукоёмкого производства требуют больших инвестиций и в целях положительного решения данных вопросов необходимо создать финансово-промышленные группы. Объединение финансового капитала с промышленным капиталом в финансово-промышленных группах не только эффективно влияет на активизацию инвестиционных процессов, но и на повышение конкурентоспособности экономики. Исполнение вышеприведенных задач требует совершенствования научно-методологических основ формирования и развития финансово-промышленных групп в Узбекистане.

Исследования данной диссертации в определенной степени служат реализации задач, отмеченных в Указах Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года № УП-4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», от 20 апреля 2017 года № УП-5022 «О мерах по дальнейшему расширению механизмов поддержки экономически несостоятельных предприятий, а также стимулированию организации новых производственных мощностей на базе объектов недвижимости коммерческих банков», от 4 марта 2015 года № УП-4707 «О Программе мер по обеспечению структурных преобразований, модернизации и диверсификации производства на 2015-2019 годы», Постановлении Президента Республики Узбекистан от 6 апреля 2010 года № ПП-1317 «О мерах по дальнейшему повышению финансовой устойчивости и усилению инвестиционной активности банковской системы», а также других нормативно-правовых документах, направленные на усиление участия коммерческих банков в развитии промышленного производства, обеспечение интеграции банков и промышленных предприятий.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное диссертационное исследование выполнено в рамках проекта ППИ-2 «Разработка научных основ дальнейшего углубления демократических реформ, формирования гражданского общества, модернизации и либерализации национальной экономики» в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики «I. Духовно-нравственное развитие

² Указ Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года № УП-4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», Сборник законодательных актов Республики Узбекистан. 2017 г., № 6 (766), ст.70.

демократического и правового общества, формирование инновационной экономики».

Обзор зарубежных научных исследований по теме диссертации³. Научные исследования по созданию финансово-промышленных групп путем усиления интеграции финансового и промышленного капитала, повышению устойчивости деятельности высокоинтегрированных корпоративных структур проводятся в ведущих научных центрах и высших учебных заведениях мира, в частности, Erasmus University Rotterdam, University of Amsterdam (Голландия), Brigham Young University, World bank (США), Korea Economic research institute (Корея), Dalian Maritime University, Xiamen University (Китай), University of Hamburg (Германия), Kobe University, Institute of Developing Economies Japan External Trade Organization (Япония), Ассоциация финансово-промышленных групп России, Центральный экономико-математический институт Российской академии наук (Россия).

В результате исследований, проведенных в мире по созданию финансово-промышленных групп в экономике и развитию их деятельности, получен ряд научных исследований, в частности: обоснована возможность повышения устойчивости национальной экономики путем формирования финансово-промышленных групп (Erasmus University, Голландия); обоснованы пути создания корпоративного управления в интегрированных структурах и повышения их эффективности (Brigham Young University, США); обоснована целесообразность формирования интегрированных корпоративных структур путем обеспечения интеграции финансового и промышленного капитала в развитии экономики (Korea Economic research institute, Корея); обоснованы эффективные методы интеграции финансового и промышленного капитала для экономики (Xiamen University, Китай); обосновано, что в результате участия банков в составе финансово-промышленных групп повышается их инвестиционная активность, уровень диверсификации деятельности и эффективное управление финансовыми рисками (University of Hamburg, Германия); обоснована необходимость формирования финансово-промышленных групп и создания высокоинтегрированных корпоративных структур в целях повышения финансовой устойчивости банковской системы и промышленных отраслей, технического и технологического обновления промышленных предприятий (Kobe University, Япония); обоснованы стратегические направления по достижению устойчивости производства промышленных отраслей и повышению инвестиционного потенциала банков, а также развитию финансово-промышленных групп путем обеспечения финансово-промышленной интеграции (Центральный экономико-математический институт Российской академии наук, Россия).

³ Обзор зарубежных научных исследований по теме диссертации подготовлен на основе следующих источников – <https://www.eur.nl>; <https://www.uva.nl>; <https://www.byu.edu>; <https://www.worldbank.org>; <http://www.keri.org>; <http://www.iec.dlmu.edu.cn>; <https://en.xmu.edu.cn>; <https://www.uni-hamburg.de>; <https://tpprf.ru>; <https://www.cemi.rssi.ru>; <https://www.kobe-u.ac.jp>; <https://www.ide.go.jp>.

В мире исследования в сфере совершенствования научно-теоретических, методологических и практических основ формирования и развития деятельности финансово-промышленных групп ведутся в следующих приоритетных направлениях: повышение устойчивости экономики и международной конкурентоспособности путем формирования высокоинтегрированных структур на основе обеспечения интеграции финансового и промышленного капитала; совершенствование инвестиционных механизмов финансово-промышленных групп; обеспечение ликвидности банковской системы путем формирования финансово-промышленных групп и повышение инновационного потенциала в производственных отраслях; повышение эффективности корпоративного управления за счет формирования финансово-промышленных групп.

Степень изученности проблемы. Вопросы формирования и развития деятельности финансово-промышленных групп отражены в научных работах таких зарубежных ученых-экономистов, как Р.Брейли, С.Майерс, М.А.Эскиндаров, Э.А.Уткин, Т.И.Минина, Г.Л.Макарова, А.Е.Дворецкая, А.Г.Мовсесян, Б.М.Смитиенко, В.А.Цветков, И.Ю.Беляева, В.В.Яронтовский, А.С.Кудаков, Е.В.Ленский и Masahiko Aoki, John Dunning, Jerzy Grabowiecki и др.⁴

Модели создания финансово-промышленных групп и интегрированных корпоративных структур в зарубежных странах, а также некоторые аспекты их деятельности отражены в научных исследованиях отечественных ученых - экономистов таких, как А.Бекмурадов, А.Вахабов, Н.Хайдаров, М.Хамидулин, Н.Жумаев, Ф.Мирзаев, Ф.Додиев и О.Сабиоров⁵. Например, в

